



ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКДАГИ ДУНЁДА МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос “тарихий эврилиш” палласига тўғри келди — бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда ҳамда башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланмоқда.

Халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир. Бунинг асосий сабабларидан бири — глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг чуқур таназзулга юз тутаётгани билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, геосиёсий қарама-қаршилиқларга рағбат бериб, “блокларга мансублик” стереотипларининг қайта туғилиш хавфини юзага келтирмоқда. Давлатлар ўртасидаги бундай ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишини ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини мураккаблаштирмоқда.

Дунёнинг турли нуқталарида давом этаётган қуроли мижозлар савдо ва инвестиция оқимларини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларни янада кескинлаштирмоқда.

Шу билан бир қаторда, глобал иқлим ўзгариши, табиий бойлиқлар ва сув ресурслари танқислигининг ортиши, биохилма-хилликка путур етиши ҳамда хавфли юқумли касалликлар тарқалиши жамиятларимизнинг заиф томонларини янада яққолроқ кўрсатиб беришмоқда. Бу муаммолар инсоният тақдирига бевоқифа дахлдор бўлган муштарак қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келиб, одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид солмоқда, уларнинг даромад манбаларини қисқартирмоқда.

Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас.

Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яққо ягона йўли — конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир. Айнан инқироз ва бўҳронлар даврида мамлакатлар, улар хоҳ катта, ўрта ёки кичик бўлсин, ўзларининг тор доирадаги манфаатларини устун қўймасдан, аксинча, асосий эътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратишлари лозим.

Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф туғдираётган, ҳар қайси мамлакатга раҳна соладиган таҳдид ва хатарларга қарши умумий сазй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар этиш барчамиз учун бирдек манфаатлидир.

Самарали халқаро ҳамкорлик — бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилidir. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади.

МУВАФФАҚИЯТЛИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК МОДЕЛИ

Барчанинг ва ҳар бир томоннинг манфаатларига жавоб берадиган халқаро ҳамкорлики кўп томонлама институтларсиз амалга ошириб бўлмайди. Ушбу институтлар фаолиятидаги муайян камчиликларга қарамаздан, улар минтақавий ва глобал миқёсда давлатлараро ҳамкорлигининг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар мамлакатлар ўртасидаги турли келишмовчиликларни енгиб ўтиш, ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш, савдо-сотиқни кенгайтириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинуви рағбатлантиришга ёрдам беради.


Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлардан бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Бу ташкилот маданий-цивилизацион қарашлари турлича, ўз ташқи сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатлараро тузилмадир. Тарихан қисқа даврда ШХТ катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

Бугунги кунга келиб ШХТ ҳамжамияти — улкан географик маконни қамраб олган ва сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир.

ШХТнинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибadorлиги унинг фаолияти асосини ташкил этадиган қуйидаги таъминотларда намоён бўлмоқда: Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг турли блоклардан холи макомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий

ҳажми жаҳон кўрсаткичининг қарийб чорак қисмини ташкил қилмоқда. Бу эса эндигина 20 ёшга тўлган ушбу минтақавий Ташкилот томонидан дунёнинг барқарор ривожланишига қўшилаётган ҳиссасининг салмоғи юксак эканидан далолат беради.

Янги синовлар ва имкониятлар вужудга келаётган бугунги дунёда ШХТнинг трансформацияси ва юксалиши учун нафақат аъзолар сонининг кўпайиши ҳисобига, балки ташкилот ривожининг янги стратегик йўналишлари илгари суриш орқали кенг истиқболлар мавжуд. Бу ўринда гап транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика,



“БИЗНИНГ АСОСИЙ ШИОРИМИЗ — “ҲАР БИРИМИЗ КУЧЛИ БЎЛСАККИНА ШХТ КУЧЛИ БЎЛАДИ”. УНИ АМАЛДА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ЙЎЛИДА ТАШКИЛОТНИНГ ЯНАДА КУЧЛИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАРИМИЗ УЧУН ЯНАДА ЖОЗИБАДОР БЎЛИШИГА ЭРИШИШ УЧУН ЖИДДИЙ ҲАРАКАТ ҚИЛДИК.

қарама-қаршилиқ ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақият гарови — минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорлиқни илгари суришдир. ШХТ ўз моҳиятига кўра, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган жозибador маконга айланиши лозим.

Шу сабабли ҳам ШХТ фаолиятига қўшилиш истагидаги давлатлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу тенденция халқаро ва минтақавий муносабатлар тизими трансформация жараёнини бошидан кечираётган бугунги шароитда яққол кўзга ташланмоқда.

ШХТ маконидagi давлатларнинг юксак инсоний, интеллектуал ва технологик салоҳиятга, жадал ривожланиётган иқтисодиётларга ва ҳали тўлақонли фойдаланилмаган табиий захираларга эга экани ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда ШХТга аъзо давлатлар ялпи ички маҳсулотининг умумий

озиқ-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, рақамли трансформация ва “яшил” иқтисодиёт каби муҳим йўналишлар ҳақида бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТДАГИ РАИСЛИГИ: БИРГАЛΙΚДА РИВОЖЛАНИШ ОРҚАЛИ УМУМИЙ МУВАФФАҚИЯТ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган, асосий эътиборни ҳамкорлиқнинг янги уфқларини очиб ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали Ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратди.

Бизнинг асосий шiorимиз — “**Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ кучли бўлади**”. Уни амалда рўёбга чиқариш йўлида Ташкилотнинг янада

кучли ва халқаро ҳамкорларимиз учун янада жозибador бўлишига эришиш учун жиддий ҳаракат қилдик.

Йил давомида ўтказилган саксондан ортиқ йирик тадбирлар доирасида ШХТ учун кенг қамровли кун тартиби шакллантирилди. Бунда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш, Ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишнинг янги йўллари ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалалар қамраб олинди.

Ўз тараққиётининг янги тарихий босқичида турган ШХТ учун катта истикболга эга бу йўналишлар Ўзбекистоннинг раислиги даврида тайёрланган ўттиздан ортиқ концептуал дастур, келишув ва қарорларда ўз аксини топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ШХТга раислиги юртимизда кейинги олти йилда амалга ошириб келинаётган фаол ва очиқ ташқи сиёсатнинг мантиқий давоми бўлди. Бу сиёсат, энг аввало, ШХТнинг географик ўзаги бўлмиш, бугунги кунда яхши кўшничилик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш борасида ижобий ва ортга қайтмас жараёнлар рўй бераётган Марказий Осиё минтақасида амалга ошмоқда.

ШХТга аъзо барча давлатлар — энг яқин кўшнилариимиз, дўстларимиз ва стратегик ҳамкорларимиздир.

Ташкилотга раислик бизга улар билан кўп томонлама кооперацияни янада мустаҳкамлаш баробарида ҳар бир давлат билан икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда янада кенг қамровли шериклик учун янги йўналишларни белгилаб олиш учун яхши имкониятлар берди.

Шунга ишончим комилки, бугун ШХТ доирасида шаклланган мана шундай ижобий ва муваффақиятли тажрибадан Афғонистонни ривожлантириш масаласида ҳам фойдаланиш ўта муҳим ва долзарбдир. Шак-шубҳасиз, Афғонистон ШХТ маконининг

Буюк ипак йўлининг дурдонаси бўлган қадимий Самарқанд шаҳри жаҳоннинг ўн тўртта мамлакатни етакчиларини Ташкилотнинг ва унга аъзо ҳар бир давлатнинг фаровонлиги ва равнақига хизмат қиладиган янги ва илгор тақлиф ҳамда ташаббуслари билан кутиб олишга тайёр.

Ушбу афсонавий шаҳар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очишга шубҳа йўқ. Самарқанднинг шонли тарихий мероси бунга хизмат қилади. Кўп асрлар мобайнида бу шаҳар Европадан Хитойгача бўлган мамлакатларни мустаҳкам ришталар билан боғлаб, Шимол ва Жанубни, Шарқ ва Ғарбни ягона чорраҳада туташтирган.

Азал-азалдан Самарқанд турли ғоя ва билимлар “қайнаган” макон бўлиб, бу масканда инсониятнинг тинч ва фаровон яшаш, ўз куч ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бахтли ҳаёт кечириш каби муштарак мақсадлари мужассам бўлган. Бу табарруқ заминда яшайдиган ҳар бир одам яхши кўшни — бу Худо инсонга ато этган бахтнинг бир бўлағи эканини, тинч-тотув кўшничилик эса баракот манбаи эканини чуқур англаган. Зеро, ҳамкорлик, савдо, ижод, илм-фан ва санъат, инсоний ғоялар устувор бўлган жойда эзгуликлар кўпаяди, халқлар фаровон ва ўзаро аҳил яшайди.

Бугун замонавий ва жадал ривожланаётган инфратузилмаларга эга бўлган Самарқанднинг бундай ноёб жиҳатлари уни минтақавий ва глобал хатарларни биргаликда муҳокама қилиш, бу борада зарур ечимларни излаб топиш учун энг қулай ва мақбул майдонга айлантирмоқда.

Инсониятнинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги шу даражада юқорики, мавжуд хатарларнинг аксарияти нафақат минтақалар, балки умумжаҳон миқёсида ҳамкорлик қилишни тақозо этмоқда.

Кўп йиллик биргаликдаги ишларимиз тажрибасига таяйиб ишонч билан айтмизки, ШХТнинг Самарқанд саммити **умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги** ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади.

Самарқанд ташқи сиёсат бобида устувор йўналишлари турлича бўлган давлатларни бирлаштириш ва муросага келтиришга қодир айнан шундай платформага айлана олади.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлимас бўлиб қуринади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменининг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорлиқнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шериклиқнинг принципал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин.

Аслини олганда, “Самарқанд руҳи” бундан 20 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишга туртки берган “Шанхай руҳи”ни уйғун равишда тўлдириб туради.

Шу сабабдан аминмизки, Самарқандда ШХТ ҳаётининг янги босқичи бошланишига гувоҳ бўламиз — Ташкилотнинг таркиби кенгайиб, унинг келажақ кун тартиби шаклланади ва бунда чуқур рамзий маъно мужассам.

Ишончимиз комилки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бўлажақ саммитида қабул қилинадиган қарорлар минтақавий даражада ҳам, глобал миқёсда ҳам мулоқот, ўзаро англашув ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



МАҲАЛЛА ЎЗГАРСА, ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИ

БУГУНИ ҲАМ, ЭРТАСИ ҲАМ ЁРУҒ ВА ФАРОВОН МАСКАНЛАР

Жорий йилда Нукус шахридаги 8 та маҳалла оғир ҳудудлар рўйхатига киритилган эди. Айни пайтда бу маҳаллаларда қурилиш ва ободонлаштириш авжида. Турар жойлар тартибга келтирилиб, йўллар асфальтланди, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Болалар майдончалари, кутубхона, ҳаммом, спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундай ўзгаришлардан барча хурсанд.

Ўн мингдан зиёд киши яшайдиган Жана-бозор маҳалласи йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган. Бугун эса маҳалла аҳлининг турмуш даражасини яхшилаш борасида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қисқа вақтда бир неча кўча ва аҳолининг 2620 та уйи таъмирланди.

— Уйларимизнинг фасад қисми таъмирлаб берилди. Кўчамизга асфальт ётқизиilib, икки чеккасида пиёдалар йўлакчалари қурилди, — дейди маҳалланинг Бийик кўргон кўчасида яшовчи Жолдасбой Холмуродов. — Тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Кўчамизнинг бошида болалар майдончаси қурилди. Мактаб ва уйларимиз интернетга уланди. Сунъий қопламали стадион эса кечаю кундуз кичикинтойларимиз ихтиёрида.

Қисқа фурсатда маҳалланинг 18,3 километр йўлига қўм-шағал аралашмаси ётқизилди. 2,9 километри асфальт қилинди. 16,1 километр электр тармоғи тортилиб, 437 та симёғоч ўрнатилди. Марказий кўчаларга 350 та тунги ёритиш чироғи қўйилди. Ҳудуд аҳолисининг асосий муаммоларидан бўлган ичимлик сув ва табиий газ масаласи ҳам ижобий ечим топди. 2,3 километрга ичимлик сув қувури тортилиб, 42,8 километр газ тармоғи янгиланди ва тартибга келтирилди.

Маҳаллада, шунингдек, кутубхона, 2 та футбол, 1 та волейбол, 1 та баскетбол, 1 та шахмат клуби, 5 та болалар майдончаси фойдаланишга топширилди.

— Бу йил маҳалламиз учун тарихий янгиланишлар йили бўлди, — дейди мазкур маҳалланинг ёшлар етакчиси Саламат Қудияров. — Олдинлари спорт тadbирлари ташкил этмоқчи бўлсак, майдон йўқ эди. Энди замонавий кўринишдаги спорт майдончалари барпо этилиб, бемалол мусобақалар ўтказиш имконияти яратилди. Ёшларимиз ҳар куни футбол, волейбол, баскетбол мусобақаларида қатнашяпти. Яқин йилларда маҳалламиздан ҳам чемпионлар етишиб чиқишига ишончим комил.

— Бугун маҳалламизнинг номига мос янгиланишлар рўй бериб, аҳоли учун муносиб турмуш шaroитлари яратилмоқда, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Ринат Дауирхонов. — Фарзандларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказиши, спорт тadbирларида фаол қатнашиши учун Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ва Ахиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти маҳалламизга спорт кийимлари ва анжомлари совға қилди. Шунингдек, минифутбол, шахмат-шашка, волейбол бўйича мусобақалар ташкил этилди. Бундай эътибор учун биз, ота-оналар Президентимиздан, ҳукуматимиздан миннатдормиз.

Яқингача қумлоқ кўчалардаги чанг-тўзондан кўзни очиб бўлмасди, болалар шу кўчалардан мактабга, боғчага қатнарди.

— Рости, жуда кўп қийналдик. Қўчиб кетиш ниятида ҳам бўлганмиз, — дейди шу маҳаллада яшовчи Дилбoр Қoшбoевa. — Бугун манзара мутлақо ўзгарди. Бу ўзгаришлардан сўнг ўғлимга тўй ҳам бошлаб қўйдик. Тўғри-да, обод кўчага келин олиб келишнинг завқи бошқача бўлади.

Ушбу ҳудуддаги Темирийўл ёқаси кўчасига Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси масъул этиб бириктирилган. Айни пайтда ташкилот томонидан барча муаммоларни ижобий ечиш, кўча инфратузилмасини, халқнинг яшаш шарт-шaroитларини яхшилаш бўйича кўлаб ишлар олиб борилмоқда.

— Ўзунлиги 850 метрни ташкил қилувчи бу кўчада 36 та уй бор, — дейди бошқарма бошлиғи ўринбосари Нурсултон Назарбоев. — 24 та уйни таъмирладик. Жумладан, 7 та турар жой шиферлаб берилди. Кўча махсус техника ёрдамида текисланиб, пиёдалар ва автотранспорт воситалари ҳаракатланиши учун қулайликлар яратилди.

Ҳудуд аҳолиси ижобий ўзгаришлардан, бугунги кунидан рози, янгиланишлардан хурсанд. Чунки бу саъй-ҳаракатлар замирида инсон қадрини улуғлашдек эзгу мақсад ётибди.

— Маҳалламиз ҳудудидаги муаммолар бартараф қилиниб, кишиларнинг яшаш шарoити яхшиланди, — дейди ҳoжи она Гулзор Наубетуллаева. — Кўчаларимиз раvon ва чиroyли. Барчаси учун миннатдормиз. Элимизга, юртимизга кўз тегмасин.

Инсон борки, ёруғ ниятлар, эзгу орзулар билан яшайди. Қалбида ана шу гўзал туйғулар борлиғи учун ҳам у ҳаётни севади, янада гуллаб-яшнаган, обод манзиллар томон интилади. Нукус шаҳрининг Жайхўн, Жуз-ши, Қумбиз аул, Қутли макон, Арнасой ва бошқа маҳаллалари ҳам кундан-кунга ана шундай обод, гуллаб-яшнаган манзилларга айланиб бормоқда. Бу ердаги аҳоли эса бугунидан ҳам, эртасидан ҳам рози бўлиб яшаяпти.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЭЪТИРОФ

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН КУНЛАРГА ШУКРОНА

Миришкор кенгликлари. Ёзининг чилласи авжига чиққан палла. Қуёш кун давомида қиздириб, кечга бориб чўл жизловукларининг ҳам овози бироз тингандай бўлади. Сахро кемаси дея аталмиш нортуга ҳам бироз дадиллик киргандай янтoқни узоқ чайнаганча, олдинга қараб йўл олади. Бу пайтда Холлижума чўпон ҳам чайлада кўзадаги муздек сувдан бир коса қуйиб ичганча ўрнидан туриб, сурувни кўрадан чиқаришга шошилади.

...Отасидан чўпон таёғини қабул қилиб олганига ҳам қирқ йилдан ошибди. Азаллий кўйчивонларнинг одатига кўра, чўпон кексайиб, кучдан қола бошлагач, ўз таёғини яхши курган шогирди ёки фарзандига топшириб, дуо беради. Холлижума ҳам отасидан мерос сифатида таёғини қабул қилиб оларкан, ўшанда бу касбга содиқ қолишга ваъда берганди. У ваъдасида турди.

Миришкорнинг Помуқ маҳалласида асосан туркман миллатига мансуб аҳоли яшайди. Холлижума ҳам шу ҳудудда туғилиб ўсди. Отаси топширган таёқ билан ҳўжаликнинг кўп минг сонли қўйини боқишни бошлаб юборган ёш йигит бировнинг ҳақига кўз олайтирмади. Бир марта ҳам омонат ҳўжаликники, деб номаяўқ ишларга бош бўлмади. Собиқ шебо даври эмасми, шунча қилганига биров раҳмат айтмади. Қилган меҳнатларига қатталарининг рағбат ўрнига бергани насиҳат, олгани уч-тўрт кўй бўлди. Ҳеч кимса чўпоннинг ҳам бола-чақаси бор, демади. Халқнинг хизматида бўлиб, ҳалолидан берсин, дея борига қаноат қилиб яшади. Шунинг ортидан оила қуриб, турмуш ташвишларини енгишга интилди. Орадан йиллар ўтиб, юртда истиқлол шамоли эсганда, кўкси тоғдек кўтарилди. Чўл ҳавосидан енгил нафас олиб, шукрона айтди. Бир пайтлар бобосидан, отасидан эшитган дориламон кунлар келганини англади. Яхши кунлар келганига минг шукр, дея фарзандлар ўстириб, уларга ҳам хунарли бўлишни ўқтирди.

Вақт ўзгариб, ҳўжаликлар тугатилди. Кейинчалик Помуқ ҳудудида “Ўзбекистон қоракўлчилик” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. У ерда ҳам Холлижума акага ишонч билан топширилган қўй-қўзилар сони ошса ошдики, қамаймади. Сурувга барака келиб, режалар ҳам ортиғи билан бажариладиган бўлди.

Унутилмас онлар

2000 йилнинг куз ойлари эди. Туман ҳокимлигидан сўраб қолишди. Тошкентда мамлакатимиз мустақиллиғи кунли муносабати билан байрам тантаналарига таклиф этишди. Катта залда давлат мукофоти билан тақдирланганларнинг рўйхати эълон қилина болади. Бир пайт суҳандон “Қўчқоров Холлижума “Дўстлик” ордени билан мукофотланади”, дея эълон қилди. У киши атрофига бепарво қараб, яна менга адаш исм-фамилияли киши бўлса керак, дея ўтираверди. Бироз ўтиб, кимдир ёнига келиб, у саҳнага таклиф этилаётганини айтиб қолди. Шошганча саҳнага чиқиб бори, кўксига орден тақилаётганда кўзидан севинч ёшлари сизиб чиқди. Бир муддат саҳродаги иссиқ-совуқда кезиб, меҳнат қилганлари кўз олдидан ўтди. Шукрона айтиб, ҳалол меҳнат эътиборсиз ва эътирофсиз қолмаслигини тўшунди.

Шундан сўнг белни янада маҳкам бошлаб хизматга киришди. Жамиятга тегишли қўйлар сонини оширишга ҳаракат қилди. Бугун эса Янги Ўзбекистоннинг энг бахтли инсонларидан бири. Яратилган имкониятлардан хурсанд. Ёши олтимишдан ошган бўлса-да, ҳамон чўпонларга бош. Бир қанча шогирдлар етиштириб, уларга етакчилик қилмоқда.

— Ҳалоллик ортидан эргашиб кам бўлмادим, — дейди Холлижума ота. — Бир вақтлар ҳўжаликлар бўларди. Пахтадан бошқа нарса сўралмасди. Ҳозиргидек инсон қадрини юксалтириш, одамларга шароит яратиш деган гаплар қайда эди. Билганингиз — пахта экиш, териш, режани бажариш. Бугунги замонга қанча шукрона айтсак оз. Инсон яхши яшаси, фаровон умр кечириши учун барча имкониятлар бор. Миллатим туркман бўлса-да, Ўзбекистонда яшаётганидан фaхрланаман. Биз оға-ини, ёр-бирдоримиз. Ҳозирги Янги Ўзбекистон бахтли яшаш учун энг яхши манзилга айланмоқда. Бунинг қадрига етиб, кўз қорачигидек асрашимиз керак.

Маълумки, томорқаларда, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари далаларида етиштириладиган маҳсулотлар бир пайтда пишиб етилади. Шўбхасиз, ҳар бир деҳқон етиштирган маҳсулотини нест-нобуд қилмай сотишни, харажатларини қоплашни ва кўпроқ даромад олишни истайди. Шу боис, ишончли, маҳсулотни улгуржи оладиган харидорга ҳамиша эҳтиёж катта.

ЭКСПОРТЧИ — ИШОНЧЛИ ХАРИДОР

Денов туманидаги Чўнтош маҳалласи аҳли ва деҳқон ҳўжаликлари етиштирилаётган маҳсулотлар исроф бўлмаслиғига ишонади. Чунки тadbиркор Азиз Бўронов раҳбарлик қилаётган “Агрофрудфут” МЧЖ қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини деҳқонлардан бозор нархида қабул қилиб, экспортга жўнатмоқда.

МЧЖ жамоаси жорий йилнинг ўтган олти ойида Ангор, Узун, Шўрчи ва Денов туманларидаги аҳоли ҳамда деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, шунингдек, Фарғона водийси, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари деҳқонларидан қарам, гулқарам, пиёз, қизилча, саримсоқпиёз, шафтоли, узум, қовун-тарвуз харид қилиб, жами 300 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилди.

“Агрофрудфут” тadbиркорлари шу йил бошида МЧЖ ҳузурида “Чўнтош агроэкспорт томорқа хизмати” шуъба қорхонасини ташкил этган эди. Қорхона ишчилари фақат тайёр маҳсулотлар экспорти билан шуғулланиб қолмай, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа эгаларини эртаки сабзавот экинларининг сифатли ва ишончли уруғлари, шунингдек, тез ҳосилга қирадиган қулупнай кўчатлари билан ҳам таъминламоқда.

Чўнтош маҳалласи аҳли азалдан томорқасида қулупнай етиштиради. Ҳозир маҳалладаги 50 та хонадон қулупнайнинг ҳисор навидан юқори ҳосил оляпти. Хусусан, Акмал Халилов оиласи ҳар йили қулупнайдан 60 миллион сўмгача даромад топомоқда. Яқин кунларда маҳалладаги 100 та оила ўз томорқасига қулупнайнинг серҳосил ва экспортбоп алба, клеёр навлари кўчатларини экади. “Чўнтош агроэкспорт томорқа хизмати” шу кўчатларни тавсия қилмоқда. Бундан ташқари, қорхона маҳалла ҳудудидан ўтувчи Чилмироб канали юқори қисмидаги 5 гектар лалми ерни ўзлаштирмоқда. Сентябрь ойи ўрталарида бу жойга Беларус давлатидан 160 минг туп малина кўчати келтириб ўтказилади.

МЧЖ тасарруфида 55 гектар экин майдони ҳам бор. Унда ўстирилган эртаки сабзавот ҳосили йиғиб олинди. Лекин ер бўш қолгани йўқ. Аҳолига турфа зироатлар етиштириш учун ўртача

25-30 сотихдан ижара асосида бўлиб берилди. Махсулот тайёр бўлгач, деҳқонлардан сотиб олинади-да, экспортга жўнатилади. Даланинг 15 гектарида эса шуъба қорхона тadbиркорлари тажрибали деҳқонларни жалб қилиб, кечки помидор парваришламоқда. Айни пайтда помидор ниҳоларининг авжи балинд, ҳосил туга бошлади.

— Сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигидан помидорлар пиша бошлайди ва ҳосилни то ерга қор тушгунча йиғиштириб оламиз, — дейди тadbиркор Азиз Бўронов. — Далаларимиз дарёдан олис, ер ости суви чуқур жойлашган. Айнан шу боис ҳавода намлик кам, айниқса, куз ойлари шудринг тушмайди ҳисоб. Помидор палакларини, биринчи навбатда, шудринг тушиб қуритса, кейин куз ойларида помидор қуяси ва ҳашаротлар еб қўяди. Деҳқонларимиз зараркунандаларга қарши ўз вақтида курашаётгани учун ҳар йили ҳосил мўл бўлиб, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухородан ҳам харидорлар келиб маҳсулотларимизни олиб кетади. Қузда, на-сиб бўлса, 400 тоннадан ортиқ помидор сотишни ният қилиб турибмиз.

Яна бир гап. “Агрофрудфут” МЧЖ Москва шаҳридаги 280 та савдо дўконини қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари билан таъминлайдиган “Вкус Вил” компанияси билан шартнома асосида ишляпти.

Бугун Сурхондарё вилоятида 148 та қорхона экспорт билан шуғулланыпти. Вилоят статистика бошқармаси маълумотларига кўра, бу қорхоналар саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига ҳоригга 58,7 миллион долларлик қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари, жумладан, 84,9 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинган.

Экспортёрларнинг таъкидлашича, куз ойларида экспорт ҳажми янада кўпаяди. Чунки вилоят боғларида ноз-неъматлар гарқ пишяпти, тақоррий экин экилган 50 минг гектардан ортиқ майдондаги ерёнқоқ, мош ва бошқа маҳсулотлар ҳам тез кунда йиғиб олинади. Энг муҳими, уларга ҳоригда талаб юқори.

Усмонали НОРМАТОВ, журналист

ИМКОНИАТ ВА ИМТИЁЗ

НОРАСМИЙ БАНД БЎЛГАН ШАХСЛАР ФАОЛИЯТИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛАДИ

Бу ёлланма ишчилар учун қонун ҳимоясида бўлиш, меҳнатига яраша даромад олиш имконияти

Халқаро меҳнат ташкилоти ҳар бир мамлакатда норасмий бандлик улуши 15 фoиздан ошмаслигини тавсия этади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимизда норасмий секторда банд бўлганлар сони 5,7 миллион кишини ташкил қилмоқда. Бу бандлик улуши 41,3 фoизга тенг дегани.

Давлатимиз томонидан солиқ тўлашни рағбатлантириш механизмлари жорий этилишига қарамасдан, норасмий бандлик кўрсаткичи катталиғича қолмоқда. Бунинг бевоасита ва бевоасита сабаблари бор.

Президентимизнинг жорий йил 30 августдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарори айни шу масаланинг бугунги ҳолати ва вужудга келган кўлаб муаммоларни бартараф этиш баробарида, расмий бандликни рағбатлантиришда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, меҳнат ресурслари балансини шакллантириш тартибини тақомиллаштириш, ишсиз фуқароларни, айниқса, хотин-қизлар ва меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш ва тadbиркорликка кенг жалб этиш, норасмий бандликни қамайтириш бўйича таъсирчан янги механизмларни жорий этишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли.

Таъкидлаш жоизки, ўзини ўзи банд қилиш давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган, ортиқча расмиятчилик ва қoғозбoзлик талаб этилмайдиган фаолият тури. Айни кунда 2 миллион юрtdошимиз ўзини ўзи банд қилиб, 70 та фаолият тури билан шуғулланиб келмоқда.

— Жойларда “маҳаллабай” ишлаш орқали аҳолининг бандлик ҳолати ўрганилганда ўзини ўзи банд қилиш фаолият турларини янада кўпайтиришга эҳтиёж борлиғи маълум бўлди, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг департамент мудири Шўҳрат Пўлатов. — Президент қарори билан эса бу муаммо ўз ечимини топди. Эндиликда ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари яна 10 тага кўпаймоқда.

Хусусан, қорамол, автомобиль ва уй бозорларида воситачилик, халқона айтганда, даллоллик билан шуғулланадиганлар ҳам ўз фаолиятини қонунийлаштириб, давлат ҳимоясида бўлади.

Қарорга мувофиқ, яқка тартибдаги тadbиркорлар томонидан ёлланган ходимлар учун ижтимоий солиқ суммаси йилига 300 минг сўм этиб белгиланмоқда. Ҳозир ушбу солиқ суммаси ойига 150 минг, йилига эса 1,8 миллион сўмни ташкил этади. Шунингдек, янги тартибга биноан, ўзининг шахсий томорқасида 9 та фаолият тури билан шуғулланаётган фуқаролар йилига 300 минг сўм

миқдорида ижтимоий солиқ тўлаган тақдирда, ушбу муддат уларнинг меҳнат стажига қўшилиши белгиланмоқда.

Ҳужжат билан томорқа ер эгаларини қасаначилик ва кооперация асосида банд қилган тadbиркорларга парранда, асалари, қуён, балиқ, улар учун ем, катак, уя ва ҳовузларни харид қилиш учун Бандликка қўмаклашмиш жамғармасидан 6 миллион сўмгача субсидия ажратиш тартиби жорий этилмоқда. Бу ҳам ўзини ўзи банд қилганлар салмоғи ошишига хизмат қилади.

Яна бир янгиллик. Яқка тартибдаги тadbиркорларга мураккаб бўлмаган умумий қурилиш ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишларини юридик шахслар учун ҳам бажаришга ва бунинг учун 5 нафаргача ходимни ёллашга рухсат этилмоқда. Шунингдек, камида 3 нафар ходимни ёллаган яқка тартибдаги тadbиркорга унинг ўзи ва ҳар битта ходими учун Бандликка қўмаклашмиш жамғармаси ҳисобидан меҳнат қуrollари ва асбoб-ускуналарни сотиб олишга 4,5 миллион сўмгача субсидия ажратилиши белгиланмоқда. Агар бугун мамлакатимиз катта қурилиш йoдонига айланганини ҳисобга олсак, мазкур тартиб юртимиздаги миңглаб норасмий қурувчи усталар учун яхшигина енгилликлар яратади.

Қарор билан масъул вазирлик ва идораларнинг ахборот базаларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида меҳнат ресурслари балансини шакллантириш тартиби жорий этилмоқда.

Дастлабки ҳисoб-китoбларга кўра, ҳужжат натижасида ҳар йили камида норасмий банд бўлган 500 минг шахснинг фаолияти қонунийлаштирилади. Келгуси йил якунига қадар ишга муҳтож шахсларнинг камида 40 фoизи аҳоли бандлиғига қўмаклашиш бўйича дастурлар билан қамраб олинади. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар сони амалдаги 2 миллиондан 2,4 миллион нафаргача ёки 20 фoиз oшади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳужжат халқчил, энг муҳими, хизматидан кўпчилик фойдаланадиган, ўз навбатида, ёлланма ишчилар учун қонун ҳимоясида бўлиш, меҳнатига яраша даромад олиш имконини яратмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Комилжон ЭРНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси

Хар қандай давлат, ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлган тақдирдагина ўз ҳаёти ва келажagini мустақил барпо этади. Шўқри, мустақиллик халқимизга ана шу бахтни — эркин ва озод ҳаётни берди, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, кадр-қимматимизни тиклади. У туфайли ҳар бир фуқаро ўз орзу-умидларига мос равишда ҳаёт кечириш, хур яшаш бахтига эришди.

Бугун мамлакатимиздаги кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, эгалаган барча марраларимиз энг улугъ неъмат — истиқлол шарофати, десам муболага бўлмайди.

Мустақилликнинг ўтган 31 йили давомида мамлакатимизда кўплаб ислохотлар қилинди, қишлоқ ва маҳаллаларимиз қиёфаси тўздан ўзгарди, одамлар ҳаётида катта бурилиш бўлди. Бугун юртимизнинг қиёфаси тобора очилиб, янада обод бўлмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда кечаётган ислохотлар, тадбиркорлик ривожига қаратилаётган эътибор ҳаётимизнинг барча жабҳаларида янгилашниш ва тўб ўзгаришларга замин ҳозирлади. Юртимиз дунёга очилди, улкан салоҳиятини жаҳонга намоён қилиш имконига эга бўлди.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар юз бериб, мамлакат иқтисодиёти режалаштирилган суръатлардан ҳам юқори ривожланишда давом этапти. Нуфузли халқаро ташкилотлар, банк ва молия муассасалари Ўзбекистон аҳолиси даромадлари мутасил ошиб бораётгани, мамлакатдаги янгилашнишларни алоҳида эътироф этмоқда.

ЯИМНИНГ ЙИЛЛИК ЎСИШ СУРЪАТИ 7,4 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

Сўнгги йилларда ҳар бир соҳа ва йўналишдаги ислохотлар одамлар турмушидаги ўзгаришлар, юз-кўзидаги мамнунлик, бугунги кундан розилик ифодаси ўлароқ ҳаётимизда ўз аксини топмоқда. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби нуфузли молия ташкилотлари Ўзбекистонда сезиларли



ўсиш қутилаётганини прогноз қилаётгани кувонарли ҳол, албатта.

Бундай юксак марраларга инсон кадрини улуғлашга йўналтирилган, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида Президентимиз раҳбарлигида кечаётган изчил ислохотлар натижасида

кадастри йўқ хонадонларнинг муаммолари узил-кесил ҳал қилинадиган бўлди. Энди янги қонун қабул қилингунига қадар бундай уй-жой эгалари уч қарра оширилган солиқ тўламайди. Бу эса 2,6 миллион оилага қувонч, умид олиб кирди.

2022 йил биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 фоизни, бунда саноат — 105,1 фоизни, хизматлар — 107,3 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги — 102,7 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улўшини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баравар ошириш бўйича тизимли ишлар бажарилди. Буни кимё ва газ кимёси соҳаларини ривожлантириш ва табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга етказиш мақсадида “Химград” АЖ (Россия) билан ҳамкорликда “Чирчик” кимё-индустриал технопарки ташкил этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАСИГА ЭЪТИБОР

Булар ҳали ҳаммаси эмас. 2023 йил 1 январдан бошлаб микробизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг



амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади. Бундан олис ҳудудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинади.

Эки улар ихтиёрий равишда йилгига 20-30 миллион сўм тўласа, бухгалтерия ҳисоби юритиш ва солиқ идораларига ҳисобот тақдим этиш мажбуриятидан озод этилади. Иккинчи тоифа, яъни айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солигини 2 баробар кам тўлайди. Айтиш мумкин, ушбу имкониятлар 370 минг тадбиркорга янада енгилликлар яратади, фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш учун асос бўлади.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан навбатдаги очик мулоқотини зўр иштиёқ билан кузатар эканмиз, ушбу янгилликларни эшитиб, Ўзбекистонда тадбиркорларга эътибор бундан кейин ҳам давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолишига амин бўлдик.

Очиқ мулоқотда давлатимиз раҳбари тез ўсиб бораётган юқори салоҳиятли ўрта корхоналар сонини ҳозирги



3,5 мингтадан 10 мингтага етказиш зарурлигини таъкидлади. Бу эса юз минглаб ёшлар бандлиги таъминланади, ишлаб чиқариш қўлами кескин ошади, миллионлаб юртдошларимизнинг яшаш шароити яхшиланади, камбағаллик қисқаради, дегани.

Айниқса, 2023 йил 1 январдан қикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солиғининг фақат 50 фоизини тўлаши, мулкни сўғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қўллаб берилиши, соддалаштирилган солиқ, молиявий ва статистика ҳисоботлари жорий этилиши, давлат харидларида 20 фоиз квота ўрнатилиб, ушбу харидлар доирасида уларга олдиндан 50 фоиз маблағ тўлаб берилиши минглаб тадбиркорларни ҳаракатга келтиргани, фаолликка қорлагани шубҳасиз.



Учрашувда тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бундан буён ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш фақат ва фақат суд тартибиде амалга оширилиши айтилди. Бу бизнес вакилларининг айни дилидаги гап бўлди. Бу борада мулк ҳуқуқига оид қарорларни ҳокимлар томонидан бекор қилишга йўл қўйилмаслиги, энди ҳар бир хатловнинг асосли экани суд томонидан кўриб чиқирили, қарорни фақат суд қабул қилиши айни муддаодир.

ИНВЕСТИЦИЯ — ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ

Инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш кўплаб соҳалар, тармоқлар ва ҳудудларга янги технологиялар, юксак маалаки мутахассислар кириб келишига хизмат қилади. Зеро, инвестиция ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, унинг тараққиётини таъминловчи муҳим капиталдир.

Аҳамиятли жиҳати, инвесторлар ва тадбиркорлар томонидан мамлакатга улкан инвестиция киритилиши юртимизда кўплаб янги иш ўринлари

очилишига туртки бўлади. Энг муҳими, замонавий билимларни ўрганиш имконияти, умуман, давлатимизнинг интеллектуал салоҳиятини янада ошириш учун етарли даражада шароит яратилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилдики, бу борадаги ишлар аллақачон ижобий натижа бермоқда. Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимизга инвестиция киритиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланоқчи бўлган ишбилармонлар учун кенг имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, 90 дан ортқ хорижий давлат фуқаролари Ўзбекистонга визасиз кириш имкониятига эга бўлди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондлари хорижий инвестициялар улўшининг энг кам миқдори 30 фоиздан 15 фоизгача камайтирилди.

Ушбу йўналишда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, юқори технологияли замонавий лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш мақсадида 24-26 март кунлари биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ташкил этилди.

Форумга жаҳоннинг 56 мамлакатидан йирик инвесторлар ва юқори мартабали меҳмонлардан иборат 2 мингдан ортқ иштирокчи ташриф бурюди. Форум яқунлари бўйича 7,8 миллиард долларлик шартнома ва инвестиция битимлари пакети имзоланди. Шунингдек, қиймати 3,5 миллиард дол-

“

УЧРАШУВДА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУЛК
ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
МАСАЛАСИГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИЛДИ. БУНДАН БУЁН ЕР
ВА МУЛК АЖРАТИШ ҲАҚИДАГИ
ҚАРОРЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШ
ФАҚАТ ВА ФАҚАТ СУД
ТАРТИБИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ
АЙТИЛДИ. БУ БИЗНЕС
ВАКИЛЛАРИНИНГ АЙНИ
ДИЛИДАГИ ГАП БЎЛДИ.

ларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастлабки келишувларга эришилди. Энг муҳими, шу йилнинг биринчи ярим йиллигида 4,5 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, белгиланган прогноз кўрсаткичлари 117 фоиз бажарилди.

Иқтисодиёт тараққиёти бевосита инвестиция оқимида боглиқ. Инвестиция эса ҳеч қачон ўз-ўзидан кириб келмайди. Бундан юқун инфратўзимни ривожлантириш лозим. Юртимизда эса бу борада ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Эътиборлики, буларнинг барчаси замирида халқимизнинг бугунгидан-да фаровон ва бахтли яшашини таъминлаш, инсон кадрини улуғлашдек эзгу мақсад мужассам.

ИШСИЗЛИК МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Инсон қачон эркинлик, озодлиқнинг завқини туяди, ҳар бир кундан рози бўлиб яшайди? Қачонки, юрти тинч, кўнгли хотиржам, тайинли иши, доимий даромад манбаи бўлса!

Шу боис, бугунги кундаги тарихий ислохотларнинг тўб моҳияти ҳар бир инсоннинг иззат-ҳурмати ва кадр-қимматини жойига қўйиш, аҳолининг фаровон яшаш, сифатли таълим олиши ва тиббий хизматдан фойдаланиши учун зарур шароитлар яратишга қаратилди.

Сўнгги йилларда бу борада салмоқли ишлар қилиниб, ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни камайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Камбағал оилаларга бюджетдан субсидиялар берилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, даромад топиб рўзгорини тебратишига қўмаклашилмоқда. Айниқса, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари” жорий этилгани кўп йиллик оғрикли масаланинг оқилона ечими бўлди. Ушбу тизим иқтисодиётимизга энг катта таҳдид келтирадиган ишсизлик муаммоси ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бир пайтлар “давлат — жамият — инсон” тамойили амалда бўлган бўлса, бугун бу тамойил шаклан ва мазмунан бутунлай ўзгарди: “инсон — жамият — давлат”. Инсоннинг ҳуқуқ-эркинликлари ва манфаатлари олий қадрият сифатида белгиланиб, амалда унга риоя этила бошлади.

Бугун Ўзбекистондаги ислохотлар шиддатидан одамнинг ақли шошади. Президентимизнинг халқни рози қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳар бир инсонни уй-жойли қилиш, инсоннинг кадр топиши учун қилаётган сазъ-харажатларини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Эътиборлики, бу борадаги ишлар ортага қайтмас тус олди.

Хулоса ўрнида айтганда, сўнгги йилларда ўзгаришга юз тутмаган, илк каттакич натижаларини бермаётган соҳанинг ўзи қолмади ҳисоб. Юртимиздаги бу сиёсат замирида аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, инсонни қадрлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш ва энг муҳими, юртимиз тинчлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЯШИЛ МАКОН

ТАБИАТНИНГ ЎПКАСИ

кислородга тўйинишимиз унга боғлиқ

ИГНАБАРГЛИ ДАРАХТЛАР ЯХШИ ЎСИШИ, КЎРКАМ БЎЛИШИ УЧУН ЎЗ ВАҚТИДА ЎҒИТЛАШ, СУҒОРИШ, ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУҲИМ. ШУ БОИС, МУТАХАССИСЛАР ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ ИГНАБАРГЛИ ДАРАХТЛАР ЭКИШ БАРОБАРИДА УЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ВА СОҒЛОМ ЎСТИРИШ ҲАҚИДА ҲАМ БОШ ҚОТИРМОҚДА.

Ҳозир дунё бўйича ўрмонлар кесилиши, табиий ва антропоген омиллар таъсирида атроф-муҳит ифлосланиши энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Тараққиёт жадаллашиши билан бирга, санаят, автомобилсозликдаги ўсиш тенденциялари, катта-катта шаҳарлар, заводлар қурилиши экологияга чиқадиган зарарли ҳажмини ҳам оширмоқда. Шаҳарларда қурилишлар ҳисобига дарахтлар, яшил ҳудудлар қисқариб борапти.

Тадқиқотларга кўра, бир кишининг кун давомида кислородга бўлган эhtiжини қондириш учун 22 та дарахт керак. Энди миллионлаб аҳолига эга давлатларда қанча дарахт бўлиши кераклигини тасаввур қилаверинг. Аммо бу борадаги кўрсаткич ўсиш ўрнига йил сайин камайиб бораётгани хавотирли. Атмосфера қатламида зарарли газлар тўпланиши сайёра иқлими ҳар қачонгидан ҳам тез ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бу эса биздан дарахт ва ўсимликларни муҳофаза қилиш, уларни кўпайтириш борасида янада эътиборли бўлишни талаб этади. Ҳеч бўлмаганда битта ниҳолни ерга қадаб, табиатни асраш, атроф-муҳит мусоф-фолигини сақлашга ўз ҳиссамизни ўшишимиз мумкин. Акс ҳолда сайёрамизнинг табиий "ўпкаси" ўз сифатини йўқотиб бораверади.

Утган йили 24 августда давлатимиз раҳбари раислигида экологик ҳолатни яхшилаш, дарахтлар муҳофазасини самарали ташкил этиш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масала нечоғлиқ жиддий экани айтилиб, дарахтларни кесишга мораторий 2024 йилгача узатирилди ва жавобгарлик кескин қуйайтирилди. Ноябрь ойида ўтказилган яна бир йиғилишда эса мамлакатимизда йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчати экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фойздан 30 фойзга ошириш режалаштирилди.

Ана шундай фаол ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда кўплаб хайрли ташаббусларга йўл очилаяпти. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ҳақида шундай фикр билдириш мумкин.

Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари бу борада янги лойиҳани таклиф этмоқда. Яъни юртимизда кўп экиладиган игнабаргли дарахтларни турли зараркунандалардан ҳимоялаш, экилган

кўчатлар нобуд бўлишининг олдини олиш усуллари ишлаб чиқилиб, келаси йилдан амалиётга жорий этилиши кўзда тутилган. Ҳозир ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, ўрмон ҳўжалиги илмий-тадқиқот институти мутахассислари ҳамкорлигида ўрганиш ва таҳлил олиб бориляпти.

— Аҳолидан кўпинча кўчаларга экилган дарахтларнинг тез қуриб қолиши борасида эътирозлар келиб тушади, — дейди Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари Ҳамза Аминов. — Дарахтларни нобуд қиладиган асосий омиллардан бири зараркунандалардир. Уларга қарши ўз вақтида чора қўрилиб, мавсумий тозалаш тадбирлари ўтказилмаса, ўсимликларни сақлаб қолиш қийин кечади. Масалан, 2012-2014 йилларда Тошкент ва Қарши шаҳарларида экилган манзарали дарахтларнинг 50-60 фойзи зараркунандалар билан зарарланиши оқибатида нобуд бўлган. Бу ҳам экологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан жиддий зарар. Шу боис, соҳа вакиллари олдида дарахтларда учрайдиган янги турдаги зараркунандаларга қарши доимий равишда экологик хавфсиз ва самарали кураш чораларини кўриш вазифаси туради. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 18 августдаги "Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори институтининг бу борадаги масъулиятини янада ошириб, ваколатларини кенгайтиради.

Юқоридаги лойиҳада асосий эътибор игнабаргли дарахтларга қаратилаётгани бежиз эмас. Боиси, охириги



йилларда мамлакатимизда шу турдаги дарахтларнинг энг кенг тарқалган тури — арча кўп экиляпти. Бошқа томондан, игнабаргли дарахтларда учрайдиган зараркунандалар ўсимликка жиддий хавф солмоқда. Улар дунё бўйича, айниқса, Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Франция, Германия, Венгрия, Россия ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, зарар миқдори жуда катта. Шу боис, ҳозир МДҲ давлатларида манзарали дарахтлар зараркунандаларининг тур таркиби, биологик хусусиятлари,

тарқалиши, уларга қарши самарали курашиш усуллари ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

ЛОЙИҲА ҚАНДАЙ САМАРА БЕРАДИ?

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгаришларига қарши курашнинг қанча кўп замонавий технологиялари яратилаётганига қарамай, табиатда дарахт ва ўсимликларни кўпайтириш барибир энг самарали усуллардан бири бўлиб қолмоқда. Оддий мисол, битта дарахт умри давомида минг килограмм карбондигидрид газини ютади. Қолаверса, дарахт-буталар ҳаводаги чанг миқдори ва касаллик кўзгатувчи бактерияларни камайтириб, шаҳарларда шовқинни пасайтиради. Дарахтзорлар билан қопланган ҳудудларда кислород алмашувини яхшилайди ва уни тозалашга имкон яратди. Ўзбекистоннинг жазирама ёз мавсумида дарахтлар микроиклим шаклланиши, ҳавони совитишга ҳам хизмат қилади. Ҳатто қиш ойларида дарахтлар барглари тўкиб юборганига қарамай, ҳавони чангдан ҳимоялашда давом этади. Улар атрофда табиий манзара яратиш билан бирга, сувни тежайди ва тупроқни эрозиядан асрайди, атроф-муҳитнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилайди.



— Ўсимликларга энг кўп зарар етказадиган зараркунандалар бешта кенжа туркумни ўз ичига олади, — дейди Ҳамза Аминов. — Булар ширалар, алейродид ёки оққанотлар, барг бургалари, кокцидлар ҳамда цикадалардир. Уларга қарши, асосан, кимёвий усуллар билан курашилади. Олимлар томонидан бир неча хил биопрепарат ҳам яратилган. Бироқ бу тизимли ёндашувни тақозо этади. Яъни биопрепаратларни қўллашдан олдин дарахт касалликлари ва касаллик кўзгатувчи зараркунандалар ҳақида маълумот олиш учун лаборатория таҳлилларини ўтказиш лозим. Биз таклиф этаётган лойиҳада асосий эътибор аниқ тадқиқотлар ва уларни қайд этиб бориш асносида самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилади. Чунки тадбирлар вақтинчалик бўлмаслиги, жаҳон стандартларига мос, замонавий усулларни қамраб олиши ниҳоятда муҳим. Ҳамкорларимиз билан зараркунандаларнинг тарқалиши, уларга қарши кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва ўрмон ҳўжаликлари учун қулай, арзон ва самарали, атроф-муҳит ва иссиққонли ҳайвонлар учун безарар ҳимоянинг уйғунлашган тизимини такомиллаштириш, бу йўналишда янги тадқиқотлар ўтказиш ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича режалар тузганмиз. Ҳозирги кунда ишчи гуруҳ шакллантириляпти. Тез орада лойиҳани рўёбга чиқаришга киришляди.

Зараркунандалар хориждан импорт қилинаётган кўчат ва ёғоч материаллар билан ҳам кириб келиши мумкин. Бунинг иқтисодий зарари ҳақида мутахассислар яхши тасаввурга эга. Шу боис, лойиҳа доирасида жиддий мониторинг олиб бориляди. Юқори самарадор агротехник, биологик ва кимёвий усуллар билан ишлов бериш асносида сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши янги, илмий асосланган агротехнологиялар яратилади.

Яна бир жиҳат. Лойиҳа юртимизга импорт қилинадиган, зараркунандаларга қарши қўлланадиган пестицидлар миқдорини камайитиришга ҳам хизмат қилади. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг янги тизимини яратиш орқали ўрмончилик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида самарадорлигини бир неча баробар ошириш мумкин.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

“ЎСИШ НУҚТАСИ”

КЎП ЎРГАНИЛМАГАН ТАРМОҚ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ТАДБИРКОРЛАРГА КАТТА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

Юртимиз турфа ўсимликларга бой. Маълумотларга кўра, биргина Оролбўйида 100 оилага мансуб 1 110 та ўсимлик тури аниқланган. Шундан 365 таси доривор ўсимликлар сирасига киради.

Юқоридаги ҳужжатларга асосан, мамлакатимизда 2022-2026 йилларда 36 минг гектар майдонда қизилмия, заъфарон, каврак, лаванда, стевия, мойчечак, наъматак, равоч, маврак, далачай, тоғрайхон, бўйимодарон, кийик ўти, ковул, қалампир ялпиз ва бошқа доривор ўсимликлар етиштирилади.

Ҳар 10 гектар ердаги доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларига сув чиқариш учун қудуқ бурғилаш, шунингдек, насос станцияси қуришга сув тежовчи технологияларни қўллаш шарти билан ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан, аммо 120 миллион сўмдан ошмайдиغان миқдорда Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш

жамғармаси орқали субсидия ажратилади.

Президентимизнинг 2021 йил 5 августдаги "Маҳаллаларда тадбиркорлиқни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида назарда тутилган имтиёз ва молиялаштириш тартиблари доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ҳам таъбиқ этиляди.

Амударёлик тадбиркор Гулмурза Алламбергано 24 йилдан буён қизилмия етиштиради. Қорхонада 15 киши доимий иш билан банд.

— 60 гектар плантациямиз бор, — дейди "Мангит Аму брикет" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Гулмурза Алламбергано. — Ҳар йили Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон ва Покистонга ўртача 70-80 минг долларлик қизилмия экспорт қиляпмиз. Айни пайтда Хитойга цистанхе ўсимлигининг 12 тоннасини жўнатиш арасасидамиз. Бу ўсимликнинг бир тоннаси жаҳон бозорида 5000 долларгача баҳоланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Президентини ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг Саманбай тажриба майдонида экинлар диверсификация лабораторияси бўлими томонидан доривор ўсимликларни кўпайтириш борасида синов-тажриба ишлари қизгин олиб бориляпти.

— Қизилмия ўсимлиги бўйича илмий изланишлар олиб борапмиз, — дейди марказ лаборанти Ажиниёз Турдимуро



дов. — Унинг илдизидан тайёрланган куруқ ва суюқ экстрактлар шамоллаш, сил, ўпка, жигар, нафас йўллари ва контомир касалликларида, модда алмасувини меъёрга келтиришда, онкологик, овқатдан заҳарланиш, ошқозон, меъда ҳамда ўн икки бармоқ ичак ярасида, тери куйиши ва бошқа хасталикларни даволашда яхши самара беради. Шу боис, бу ўсимликка АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Германия, Венгрия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа кўпгина давлатларда талаб катта. 2019-2023 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасида қизилмия экишни 25 000 гектарга етказиш кўзда тутилган.

Доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ўрмон ҳўжаликларида ҳам амалий ишлар қўлами кенг.

— Утган йили 0,5 гектар ерга лаванда эккан эдик, жорий йилда эса 1 гектарга етказдик, — дейди Ҳўжайли давлат ўрмон ҳўжалиги бошлиғи Рустам Матқаримов. — Тажриба сифатида экилгани боис, кўпроқ ўрганиш ишларини олиб борапмиз. Лаванда лабгулдошлар

оиласига мансуб эфир мойли экин ҳисобланади. Бу ўсимлик қурғоқчиликка чидамли ва иссиқсевар. Уни қаламчасидан кўпайтириш мумкин. Илдизи 40-50 та узун ипсимон илдизчадан иборат. Ундан 20-25 йилгача ҳосил олиш мумкин. Синов майдончамизга Туркия, Испания ва Қозғистондан вакиллар келиб, тажрибамиз билан яқиндан танишмоқда.

Ўрмон ҳўжалигидаги 80 сотих ерга гожи экилди. Таркибида саратон касаллигининг олдини олувчи минерал модда мавжуд бўлиб, табиатда жуда камбў ҳисобланади.

Сўнгги йилларда доривор ўсимликларни асраб-авайлаш, кўпайтириш ва қайта ишлаш борасида қорақалпоғистонликлар катта тажриба тўпламоқда. Яқин келажада ушбу соҳада ҳам кластерлар пайдо бўлиши шубҳасиз.

МИНАЖАТДИН
ҚУТЛИМУРАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири





ХАЛҚҚА ЕЛКАДОШЛИК, ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Миллий тараққиёт кенг қамровли тушунча бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда миллатнинг ривожланганлик даражасини ифода этади. Бугун мамлакатимиз ўз мустақил тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйди. Миллий тараққиёт ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган мамлакатимизда туб демократик ислохотлар, трансформацион ўзгаришлар даврини бошлаб берди.

Санжарбек ДАВЛЕТОВ, Урганч давлат университетининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, тарих фанлари доктори, профессор

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш борасида бир қатор маъмурий ислохотлар амалга оширилиб, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойил амалиётга тўла жорий этилди. Хусусан, самарасиз фаолият кўрсатаётган идоралар 110 та орган фаолияти тугатилди. 10 та янги вазирлик ва ташкилот тузилиб, 6 та давлат функцияси хусусий секторга ўтказилди.

Амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва трансформация жараёнларида парламент назоратини кучайтириш, ижро этувчи ҳокимиятнинг вакиллик органлари олдидagi ҳисобдорлигини таъминлаш бўйича бир қатор янги тартиблар жорий этилди.

Халқ билан мулоқотнинг самарали шаклларига ўтилган, бошқа соҳа вакиллари турли мавсумий мажлибий меҳнатга жалб этишни тўхтатиш, фуқароларга кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини бутунлай янги, самарали босқичга кўтариш, валюта бозорининг либераллаштирилиши, прописка тизимининг бекор қилиниши ва фуқароларни бериш тартиби ислоҳ қилинган ислохотларнинг қорозда эмас, ҳаётда амалга оширилганга ёрқин далилдор.

Ҳаракатлар стратегияси асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган



ҳамда тўлиқ маҳаллий бюджет ихтиёрида қолдириладиган даромад турлари қўлайтирилди. Масалан, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 2016 йилда 176,8 миллиард сўм маблаг мавжуд бўлган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 5,8 триллион сўмни ташкил қилди. Республикада камбағал аҳоли қатлами мавжуд бўлса-да, узок вақт бу мавзу расмий тарзда тилга олинмасдан келгани, фақат кам таъминланганлар ҳақида гапириларди.

2020 йилда мамлакат тарихида илк бор камбағалликни қисқартириш масаласи иқтисодий ислохотларнинг асосий максадларидан бири этиб белгиланди. Қисқа муддатда камбағалликни қисқартириш борасида институционал тизим яратилиб, фундаментал ёндашувлар асосида таъсирчан инструментлар амалиётга жорий этилди.

Бунга ягона ижтимоий реестрни, минимал истеъмол харажатлари меъёрини, кам таъминланган оилаларда ҳар бир болани қамраб олувчи манзилли ижтимоий кўмак кўрсатишни ҳамда аҳолини касб-хунарга ўқитиш бўйича янги тизимни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўтган 5 йил мобайнида Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилган фаол ислохотлар туфайли камбағаллик даражаси 2000 йилдаги 28 фоиздан 2020 йилда 11 фоизгача қисқарди. Шунингдек, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва қишлоқ жойларни ободонлаштириш дастурлари амалга оширилаётди.

Хусусан, “Обод қишлоқ” дастури туфайли 1,7 миллион қишлоқ аҳолисининг яшаш шароити яхшиланди. Барча туман ва шаҳарларда эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги тизим — “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” жорий этилди.

Бир сўз билан айтганда, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш бўйича стратегик ҳужжатга айланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот ва ўзгаришлар, кенг кўламли дастурлар ягона ва улуг бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол эtib тарбиялашдан иборат”.

Бугун қайси соҳага қарамайлик, ислохотлар ўз натижасини бераётганининг гувоҳи бўламиз. Бунинг ўз турмушимизда, халқимиз ҳаётидаги ўзгаришларда қуриб турибмиз. Ўзбекистонда илм-фан, ёш авлод таълим ва тарбияси ҳам тубдан қайта ислоҳ қилинмоқда. Замонавий ахборот технологиялари марказлари, кутубхоналар ва бошқа билим даргоҳлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Амалга оширилаётган барча ислохот-



лар она ватанимизнинг истиқболи, ёшларнинг меҳнат бозорига талаб этиладиган касб-хунарга ва билим эгаси бўлишига қаратилган.

Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси оширилиб, 2016 йилги 9 фоиздан 2021 йилда 28 фоизга етди. Кейинги 5 йилда юртимизда 49 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилди. Ёшларни юқори малакали мутахассислар сифатида шакллантириш ва тарбиялаш, ёшларнинг истиқболли илмий йўналишларда ахборот алмашиши, уларнинг

талабаларга илмий фаолият олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар ҳамда рағбатлантириш механизми яратилди.

Жамиятимизда жадал янгиланаётган ислохотларнинг халқаро эътирофига назар ташласак, ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи сезиларли даражада ошди. Дунёда Янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш кучайди. Ўзбекистон бугун минтақамиз ва жаҳондаги

сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчига айланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Парламентларо Иттифоқ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг “инсон — жамият —

ЗАМОНАВИЙ КАСБ-ХУНАР – ҚУТ-БАРАКА КЕЛТИРАР

БУГУННИНГ ГАПИ

2022–2023 ўқув йилида Фарғона вилоятидаги 32 та касб-хунаар мактабига 9-синфни битирган 13 минг 560 нафар ўқувчи қабул қилинди. Бу белгиланган режадан қарийб 6 минг нафарга кўп. Бу бежиз эмас, албатта. Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан касб-хунаар таълими тизими иш сифатини яхшилаш, халқ хўжалиги тармоқлари учун керакли бўлган малакали мутахассислар етказиб бериш, таълим масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлидаги ислохотлар бу борада янги имконият эшикларини очди. Эндиликда касб-хунаар муассасаларида таълим олган ёшлар ўзлари танлаган касбнинг ҳақиқий устаси сифатида ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат қилиш имконига эга бўлмоқда.



Фарғона шаҳридаги касб-хунаар мактабига ошпазлик йўналишида тахсил олган Ленера Хатинова “Ансор” миллий таомлар ошхонасига ишга қабул қилинди. У икки йил давомида амалиётни шу ерда ўтади, малакали ошпазлар иш тажрибасини ўрганди, назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкамлаб, устозлар меҳрини қозонди.

— Касб-хунаар мактабига ўқишга кираётганимда ўз касбим бўйича иш топа олармиканман, деган ҳадик бор эди, — дейди Ленера. — Авваллари касб-хунаар коллежи дипломи билан тайинли иш топа олмаганлар ҳақида кўп эшитган-

дим. Мутахассис тайёрлашда талаб ва тақдирдан келиб чиқиб иш олиб бориладиган ёшлар учун катта имкониятлар яратди. Айни кунда малакали мутахассис сифатида ишлаб, даромад оляпман.

Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунаарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, 2021 йилда 63 та профессионал таълим муассасасида 41 касб бўйича

13 минг 564 нафар, шу йилнинг биринчи ярмида 51 профессионал таълим муассасасида 37 касб бўйича 4 712 нафар юртдошимиз қисқа муддатли ўқув курсларида ўзи танлаган йўналиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлди.

Бувайда туманидаги “Қўнғирот” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузaronлик қилаётган Дилноза Қурбонова ишсизлиги сабаб “Аёллар дафтари”да туради. Уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ортиб, бирон-бир ишнинг этагидан тутга олгани йўқ.

— Маҳалла фаоллари билан суҳбатда тикувчи бўлишга қизиқишим борлигини айтдим, — дейди Дилноза. — Менга Бувайда туманидаги 1-касб-хунаар мактабига тикувчилик йўналишида қисқа муддати ўқув курсларида тахсил олиш учун тавсия беришди. Уч ойда бичиш-тиқиш, замонавий жиҳозлардан фойдаланиш борасида назарий ва амалий билим олиб, мустақил касб эгаси бўлдим. Маҳалла кўмагида тикув машинаси беришди. Айни кунда уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда, тикувчилик йўналишида тадбиркорлик билан шуғулланыпман.

Авваллари касб-хунаар коллежларида 3 йил ўқиб ҳам малакали мутахассислар етишиб чиқмаган. Чунки кадрлар тайёрлашда худудий имкониятлари, ёшлар қизиқишлари ҳисобга олинмаган, назарий билим амалиёт билан мустаҳкамланмаган. Эндиликда бу борадаги тартиб-тамоийлар ўзгарди. Урта мутахассис кадрлар тайёрлашда ишлаб чиқариш корхоналари талаблари асосида дуал ўқув амалиётига асосланган мутахассислар тайёрлашга эътибор ошди.

— Жорий йил 77 та касб-хунаар таълими масканини 18 минг 560 нафар ёш битириб чиқди. Уларнинг 10 минг нафари кафолатланган иш ўринларига жойлашди, 3 мингдан ортқ ёш олий таълим олиш истиғини билдирди, 2 минг нафари ишга жойлаштириш арасида, — дейди Фарғона вилояти касбий таълими ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси бошлиғи Тўйчибой Бойматов. — Барча таълим муассасаларида ёшларнинг касб-хунаарга қизиқишлари, ишлаб чиқариш жамоаларининг касбларга эҳтиёжи юзасидан сўровномалар ўтказиш аънаънага айланган. Таҳлилларга қура, бугунги кунда пайвандчилик, электр монтажчи, тикувчилик, сантехник, саргарошлик, радиотехник, компьютер устаси,



автомобилларга техник хизмат кўрсатчи сингари касбларга талаб ортиб бормоқда. Ҳафтанинг шанба куни очик эшиклар куни этиб белгиланган. Бунда ўқувчилар ҳамда ота-оналар профессионал таълим даргоҳларида яратилган шароитларни кўриб, ишлаб чиқариш устaxonалари фаолияти билан чиндан танишади. Қолаверса, етарли билим ва амалиётга эга, тил билган мутахассисга ҳамма жойда талаб юқори.

Янги ўқув йилида 20 та таълим масканида немис, инглиз, рус ва корейс тилларини ўқитиш марказлари фаолиятини ташкил этамиз. Ўқувчилар ўзлари қизиққан хунаардан ташқари уч ойлик тил ўрганиш марказларида билим ва кўникма олади. Бундан ташқари, касб-хунаар мактабларида ўқув-ишлаб чиқариш таълими устalarининг худуддаги ириқ корхоналарида малака ошириши борасида улар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Бу тингловчиларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш, “Устоз-шогирд” аънаънаси асосида юқори малакага эга бўлган мутахассислар тайёрлаш, бандлигини таъминлаш борасида қўл келади.

Касб-хунаар мактабларининг афзаллиги, бу ерда умумтаълим ва мутахассислик фанлари интеграциялашган тарзда ўқитилмоқда. Ўқувчилар амалиётни ўзи танлаган касб бўйича ишлаб чиқариш корхоналарида ўтамоқда. Шунингдек, иш жойида ўқитишнинг дуал таълим шакли йўлга қўйилиши ҳам ўқиш, ҳам ишлаш тамойили асосида юқори салоҳиятга эга мутахассислар тайёрлаш имкониятини бермоқда.

— Ихтиология йўналишида 58 нафар ўқувчи тахсил олмақда, — дейди Бешариқ туманидаги 2-касб-хунаар мактаби директори Алишер Сотволдиев. — Уларнинг назарий билимларини амалиёт билан боғлаш мақсадида 3 сотих майдонда 7 та ҳовуз қуриб, интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйдик. Сунъий сув ҳавзасида 6000 дона африка лақаси ва сазан боқилмоқда. Бу йил 12 тоннадан ортқ балиқ гўшти етиштирилади. Шунингдек, протеинга бой балиқ еми, озука таркатгичлар ва сувни кислород билан бойлатадиган мосламалар ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида балиқ иқралари учун инкубация цехи қуриш, маҳсулотни қайта ишлаш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиш устида иш олиб боряпмиз. Эътиборли жиҳати, бу амалий ишларда устоз-мураббийлар билан бирга балиқчилик йўналишида касб-хунаар ўрганаётган ёшлар фаол иштирок этмоқда.

Касб-хунаар мактабига соҳага илмий тажриба натижаларини татбиқ этиш, янги турларни маҳаллийлаштириш, маҳсулдорлигини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича барча шароитлар яратилган. Натижада мактаб битирувчилари балиқчилик фермер хўжаликлари ва тадбиркорларнинг яқин кўмакчисига айланмоқда.

— Айни кунда ёшлар бандлигини таъминлаш, хусусан, бўш турган майдонлардан самарали фойдаланиш орқали бюджетдан ташқари маблаг топиш борасида иш олиб боряпмиз, — дейди худудий бошқарма мутахассиси Абдуғулом Мақсудов. — Шу кунга қадар 2 миллиард 47 миллион сўмдан ортқ маблаг ишлаб топилди. Бу маблаглар, аввало, касб-хунаар мактаблари моддий-техник таъминотини яхшилаш, таълим усталари, фаол ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда.

Сирасини айтганда, Фарғона вилояти касбий таълимини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси янги ўқув йилини ўзгача тайёргарлик билан қарши олди. Бу жабҳада мавжуд иш тажрибаларини омдалаштириш, дуал таълим жараёнларини янада такомиллаштириш, ўқув ва амалий машғулотларда янги илғор тажрибаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш, ахборот-ресурс таъминотини яхшилаш, мултимедиа маҳсулотлари билан таъминлаш, мураббийлар касб маҳорати ва фаоллигини оширишга катта эътибор берилмоқда.

— Ихтиология йўналишида 58 нафар ўқувчи тахсил олмақда, — дейди Бешариқ туманидаги 2-касб-хунаар мактаби директори Алишер Сотволдиев. — Уларнинг назарий билимларини амалиёт билан боғлаш мақсадида 3 сотих майдонда 7 та ҳовуз қуриб, интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйдик. Сунъий сув ҳавзасида 6000 дона африка лақаси ва сазан боқилмоқда. Бу йил 12 тоннадан ортқ балиқ гўшти етиштирилади. Шунингдек, протеинга бой балиқ еми, озука таркатгичлар ва сувни кислород билан бойлатадиган мосламалар ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида балиқ иқралари учун инкубация цехи қуриш, маҳсулотни қайта ишлаш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиш устида иш олиб боряпмиз. Эътиборли жиҳати, бу амалий ишларда устоз-мураббийлар билан бирга балиқчилик йўналишида касб-хунаар ўрганаётган ёшлар фаол иштирок этмоқда.

Касб-хунаар мактабига соҳага илмий тажриба натижаларини татбиқ этиш, янги турларни маҳаллийлаштириш, маҳсулдорлигини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича барча шароитлар яратилган. Натижада мактаб битирувчилари балиқчилик фермер хўжаликлари ва тадбиркорларнинг яқин кўмакчисига айланмоқда.

— Айни кунда ёшлар бандлигини таъминлаш, хусусан, бўш турган майдонлардан самарали фойдаланиш орқали бюджетдан ташқари маблаг топиш борасида иш олиб боряпмиз, — дейди худудий бошқарма мутахассиси Абдуғулом Мақсудов. — Шу кунга қадар 2 миллиард 47 миллион сўмдан ортқ маблаг ишлаб топилди. Бу маблаглар, аввало, касб-хунаар мактаблари моддий-техник таъминотини яхшилаш, таълим усталари, фаол ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда.

Сирасини айтганда, Фарғона вилояти касбий таълимини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси янги ўқув йилини ўзгача тайёргарлик билан қарши олди. Бу жабҳада мавжуд иш тажрибаларини омдалаштириш, дуал таълим жараёнларини янада такомиллаштириш, ўқув ва амалий машғулотларда янги илғор тажрибаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш, ахборот-ресурс таъминотини яхшилаш, мултимедиа маҳсулотлари билан таъминлаш, мураббийлар касб маҳорати ва фаоллигини оширишга катта эътибор берилмоқда.

— Айни кунда ёшлар бандлигини таъминлаш, хусусан, бўш турган майдонлардан самарали фойдаланиш орқали бюджетдан ташқари маблаг топиш борасида иш олиб боряпмиз, — дейди худудий бошқарма мутахассиси Абдуғулом Мақсудов. — Шу кунга қадар 2 миллиард 47 миллион сўмдан ортқ маблаг ишлаб топилди. Бу маблаглар, аввало, касб-хунаар мактаблари моддий-техник таъминотини яхшилаш, таълим усталари, фаол ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда.

Сирасини айтганда, Фарғона вилояти касбий таълимини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси янги ўқув йилини ўзгача тайёргарлик билан қарши олди. Бу жабҳада мавжуд иш тажрибаларини омдалаштириш, дуал таълим жараёнларини янада такомиллаштириш, ўқув ва амалий машғулотларда янги илғор тажрибаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш, ахборот-ресурс таъминотини яхшилаш, мултимедиа маҳсулотлари билан таъминлаш, мураббийлар касб маҳорати ва фаоллигини оширишга катта эътибор берилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

